



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Табиатшунослик ва география факультети биология йўналиши

3-босқич “Б” гуруҳ талабаси А. Комиловнинг

«Зоология» фанидан

КУРС ИШИ

**Мавзу: “Қавш қайтарувчи сут эмизувчилар ва уларнинг
экологияси”**



Андижон-2014

РЕЖА

КИРИШ

1. СУТ ЭМИЗУВЧИЛАРНИНГ ЯШАШ ШАРОИТИГА МОСЛА-НИШЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯСИ

2. АСОСИЙ ҚИСМ. СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

1. Тоғ қўйи- *Ovis ammon* L.
2. Муфлон-*Ovis musimon* ёки *Ovis ammon musimon* .
3. Тоғ эчкиси ёки Такаси - *Capra sibirica* Pall.
4. Бурама шохли эчки, Морхўр - *Capra falconeri* Wag.
5. Жайрон ёки оҳу-*Gazell subgutturosa* Guld.
6. Сайғоқ - *Saiga tatarika* L.

ХУЛОСА

Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

Ўзбекистоннинг табиати ва унинг ҳайвонот дунёси хилма-хилдир. Шимолда Устюрт текислигининг бепоён кенгликлари, Жануби-Шарқда тоғларнинг қорли чўққилари Шимоли-Шарқда Қизилқумнинг қумликлари қотган тўлқин каби чўзилиб ётибди. Тоғлардан катта ва кичик дарёлар орқали ҳайқириб оқиб тушаётган сувлар маданий воҳаларни суғоради. Ўрта Осиёнинг территорияси бир вақтлар турли мамлакатлардан ўтган ҳайвонларнинг макони бўлган шунга кўра Ўзбекистонда Европа ва Марказий Осиё учун ҳарактерли бўлган ҳайвонларнинг турлари билан бир қаторда бизга Африка ва Ҳиндистондан ўтиб келган ҳайвонлар ҳам учрайди.

Баланд тоғларда шимолий минтақалар учун хос бўлган ҳайвонлар (оқсувсар, айик, қумли ва соз тупроқли саҳроларда ва тоғолди ялангликларида тропик мамлакатлардан чиқиб келган эчкемар, чархилон, майна, узун думли думпараст, чиябўри ва сиртлон каби ҳайвонлар тарқалган. Бизнинг тоғли ўрмонларда қумли даштларда, дарё ҳамда воҳа водийларида бир вақтлар келиб қолган кўпгина фойдали ҳайвонлар билан бир қаторда зарарлилари ҳам бор. Фойдали ҳайвонлар хўжалик аҳамиятига эга (қимматли мўйна ва сифатли гўшт беради) ёки маданий экинларга тушадиган ҳашоротларни йўқ қилади, зарарлилари экинларни нобуд қилади ва ҳосилни еб кетади ёки юқумли касалликлар кўзғатувчиларни ташиб юради.

Ўзбекистонда ҳайвонот дунёсини бойитишни, бошқа ҳар қандай минтақалардаги каби, келтирилган ҳайвонни ва у билан бевосита алоқада бўладиган ҳайвон турларини синчиклаб ўрганмасдан амалга ошириш қийин. Фойдали ҳайвонлар орасида уларнинг душманлари, рақиблари ёки озик манбайи ҳам бўлиши мумкин. Жуда кам учрайдиган ва айни пайтда йўқолиб кетиш ҳавфи остида турган ҳайвонларни муҳофаза қилиш чораларини ҳам билиш зарур. Мана шунинг учун ҳам жонажон ўлканинг фаунасини билиш керак бўлади.

II. ЯШАШ ШАРОИТИ ВА УМУМИЙ ТАРҚАЛИШИ.

Сут эмизувчиларнинг кенг географик ва биотропик тарқалиши уларнинг биологик прогрессини кўрсатади. Сут эмизувчилар ер юзиди, Антарктикадан ташқари ҳамма жойда учрайди. Бу дашт қуруқлигининг қирғоқларида тюленлар учрайди. Ерда яшовчи ҳайвонларнинг қатор турлари Шимолий Муз океани оролларида ҳам учрайди. Сут эмизувчилар барча океанларда яшайди. "Северний полюс" станцияси ва "Георгий Седов" музёра кemasидан кўрсатилишича, сут эмизувчилар шимолий қутубгача тарқалган. Булар

куракоёқлилар ва китлардир. Сут эмизувчилар вертикал йўналишда ҳам ниҳоятда кенг тарқалган. Марказий Тяншанда 3-4м баландликда, ерсичкон, суғур, ёввойи эчки, қўй ва ирбис яшайди. Ҳимолай тоғида ёввойи қўйлар 6 минг метргача, айрим якка бўйлар эса 7150 метргача баландликка кўтарилади.

Сут эмизувчилар синфининг турли ҳаёт шароитида яшаши, яна ҳам кўрсаткичлидир. Фақат шу синфда ерда ҳаёт кечирувчи турлар билан бир қаторда ҳавода актив учувчи, ҳеч қуруқликка чиқмайдиган, ҳақийқий сув ҳайвонлари ва ниҳоят, бутун ҳаётини тупроқ остида ўтказувчи турлар мавжуд. Газандалар синфи учун, бошқа синфларга нисбатан, турли шароитда яшашга имкон берувчи белгилар бўлиши ҳарактерлидир.

Агар алоҳида турлар олиб қаралса, у ҳолатда улардаги мосланишлар ниҳоятда тор шароитга мосланганлигини кўриш мумкин. Аксарият маймунлар, айниқса одамсимон маймунлар, сув айғири, каркидон ва тапирлар нисбатан баланд ва бир хил температурада яшаши мумкин.

Жанубий Америкада яшайдиган ярим сув ҳайвони бўлган нутрияни иқлимлаштириш бу ҳайвон фақат музламайдиган ёки муз қатлами ниҳоятда қисқа муддат сақланадиган кўлларда яшай олишини кўрсатди. Муз нутрияга сув остидаги озиқни олишни қийинлаштиради. Температуранинг билвосита таъсирини кротнинг тарқалишида ҳам кўриш мумкин. Тайга зонасида қор кам бўлиши ва ер анча чуқур музлаши туфайли кротлар Шарқий Сибирь тайгасида яшай олмайди. Шу билан бир қаторда жуда турли-туман температура ўзгариши бўлган шароитда ҳам яшай оладиган турлар оз эмас.

Намликнинг сут эмизувчилар тарқалишига таъсири кам. Фақат айрим жунсиз ёки кам жунли турларигина қурғоқчиликдан зарар кўради. Фақат нам тропик зоналарда яшовчи сув айғирлари ва бошқалар бунга мисол бўлади. Нам ва ёғиннинг билвосита таъсири катта. Кротнинг Россия Европа қисмидаги тарқалиш чегараси йилига 40 см дан кам ёғин бўладиган зонага тўғри келади. Бу ҳолатда ердаги озиқ кротга етишмайди. А.Н.Формозов 1946 йилда аниқлашича, қор қатламининг 90 см бўлиши лоснинг тарқалишини чеклайди. Қор қатламининг максимал критик баландлиги йиллик учун 50 см, тўнғиз учун 30-40 см бўлиши керак. Қор қатлами бундай қалин бўлса, озиқ топиш қийинлашади ёки иложи бўлмайди.

Аксарият сут эмизувчилар тупроқ ва орграфик шароитига ниҳоятда талабчандир. Масалан, қўшоёқларнинг айрим турлари (*Paradipus stenodactylus*) фақат сочиловчи қумларда яшайди. Шунга ўхшаш шароит ингичка бармоқли юмронқозиқлар учун ҳам керак. Катта қўшоёқ эса, аксинча, фақат зич тупроқли ерда яшайди. Кротлар, кўрсичқонлар қаттиқ ерда йўл қазити қийин бўлганлиги учун бундай жойларда учрайди. Қўйлар кенг яйлов ва очиқ жойлари бўлган хилма-хил ландшафтли жойларни эгаллайди.

Қия тоғ ландшафтли жойларда яшайдиган эчкилар рельефга ниҳоятда талабчан. Тўнғизлар учун юмшоқ, нам, серўсимлик жойлар анча қулай. Отлар, антилопалар, туялар, аксинча, юмшоқ тупроқли ерларга ўтмайди, чунки уларнинг оёқлари юмшоқ тупроқда юришга мослашган.

Умуман олганда сут эмизувчиларнинг тарқалиши бошқа ҳайвонлар сингари яшаш муҳитига боғлиқ. Шу билан бир қаторда бу боғланиш тубан ҳайвонларга нисбатан, сут эмизувчиларда анча мураккаб эканлиги қайд қилиш лозим. Сут эмизувчилар ташқи муҳитнинг бевосита таъсирига нисбатан кам боғлиқ. Уларнинг мосланиши юксак даражада ривожланган олий нерф фаолиятига боғлиқ.

III. АСОСИЙ ҚИСМ. СУТ ЭМИЗУВЧИЛАР ЭКОЛОГИЯСИ

Тоғ қўйи (*Ovis Ammon L.*)

Нурота, Қизилқум саҳросидаги емирилган тоғ қолдиқлари ва Устюрт тепаликларда тоғ қўйининг кенжа турларидан бири бўлмиш қизилқум қўйи яшайди. Ёзда орқаси ва икки ён томонидаги жунлари жигар рангамо-кўнғир тусда бўлади. Бўйининг таги, қорни ва човлари оқиб. Оқиб ранги думбаларига ҳам ўтган. Эркакларининг шохлари катта, спиралга ўхшаб буралган ва учлари ён томонга қараб туради. Урғочиларнинг шохлари кичкина, орқасига қайрилган ва спираль ҳосил қилмайди.

Серўт ясси тоғларда юради, дашт атрофлардаги баланд тоғларда учрайди. Юлғун чакалакзорлари ва чашмалар бўладиган дараларда яшайди. Ўтлаш учун даралардан очик кўкатзорларга чиқиб келади. Бу қўйлар эрта саҳарда соат 10-11 гача ўтлайди, сўнгра дам олиб ётади. Кечга яқин то қоронғу тушгунча, баъзан тунда ҳам яна ўт чимдиб юради. Урғочилари, болалари ҳамда вояга етмаган эркаклари билан кичикроқ пода бўлиб йил бўйи бирга юради. Вояга етган эркаклари (тўрт ёшидан бошлаб вояга етади) айрим-айрим ёки бир нечтаси тўп-тўп бўлиб юради.

Урғочилари апрель-майда кўзилайди (битта бола туғади). Болалари дастлабки кунларда онаси билан эргашиб юра олмайди ва шу сабабдан хавф-хатар туғилган пайтда биқиниб олади. Ўзбекистоннинг жанубида Боботоғ билан Кўхитантоғда тоғ қўйининг бошқа бир кенжа тури-Бухоро қўйи, яъни архар (*O. abocharensis* Nasonov) яшайди. Тоғ қўйлари-архарларни овлаш тақиқланган. Уларнинг ҳаммаси Қизил китобларга киритилган, муҳофаза қилинади. Улар учун махсус заказниклар, масалан, Ўзбекистонда Нурота заказниги барпо этилган.

Тожики ёки Бухоро қўйи (*Ovis orientalis bocharensis* Nasonov) йўқолиб бориш арафасида Ўзбекистон қизил китобига киритилган. Ўзи унча катта бўлмаган қўй. Шохлари

иккаласида ҳам бор. Эркагининг шохи катта ва кучли бўлиб унинг узунлиги 72,5 см, урғочисиники эса нимжонроқ бўлиб орқага озгина қайрилган.



Тоғ қўйи (Ovis Ammon)

Тумшуғининг остки ва устки қисми оқ. Бурама шохли эчкидан тожик қўйи кучли шохи ёнларига қайрилган ва олд бўйин қисмидаги юнги билан ажралиб туради. Урғочисини кўзлари Бурама шохли эчкиларникига ўхшайди.

Ўзбекистондаги кўпайиш ва сон жихати бизни территорияда икки хил тури бор, Боботоғ ва Бойсун-кугитанг. 1950 йил бу қўйларни Боботоғнинг Биясимон ва Паталсой районларида учраган. Бу қўйнинг суяклари зоологик изланиш вақтида Мачайдарё хавзасида топилган. Уларнинг яшаш жойлари тоғ жарликлари кам холларда 2200 м баландликка кўтарилишади. Пастлаганда эса 300-400 м баландликка тушади. Улар майда бўйли арчалар ёнида кўниб туриб, қалин чакалаklar инидан узоқроқ юрадилар. Иссиқ ёки жала вақтида улар қоятошлар ёки инкурларда жон сақлайди. Ёзда улар иссиқдан сақланиш учун тоғни соя томонида ўтлаб, кечқурун сув ичишга тушади. Кечасидан то тонгача ўтлаб, гохида ярим кечаси дам олишади. Қишда кундузи ўтланади. Кучли жала ёки қор, шамолда улар суткалаб дам олиб ётишади.

Устюрт қўйи; архал (*Ovis ammon karelini* Severtzov)

Йўқолиб боровчилар вакилларидан, Қизил китоблардан жой олган. СССР ва Қозоғистон ССР қизил китобларига киритилган. Ўрта катталиқдаги қўй, танасининг узунлиги 121-147 см, бўйи 77-98 см, вазни 58-79 кг урғочиси 36-56 кг. Танаси биқир, шохлари иккаласида ҳам бор, лекин урғочисининг шохи ингичка ва бўш 25-30 см га етади. Еркаларининг шохи катта ва оғир бўлиб 92 см га етади. Жағи ва бўйин юнги 20 см бўлиб, соқол бўлиб туради. Ранги қизғиш-сарик бўлиб, бўйини кулранг қора бўлиб, соқоли оқ. Архал эркаги шохи ва соқоли билан урғочисидан яққол ажралиб туради. Ўзбекистондаги уларнинг сон ва кўпайиши. Қорақалпоқ АССР ва Устюртда уларнинг тарқалган ерлари Қозоғистон чегарасигача Шора Қазахълдан то Туркменистон чегараси Қоплонқирагача. Ҳозирги вақтда устюрт қўйи Қазахъл ва қоплонқирада сақланиб қолган. 1978 йилда 10 км да 9 та қўй боласи билан ва 1 ёшлик 8 та қўй ҳисобга олинган. Устюртнинг 100 км 240 нафар қўй ва 90 та боласи ҳисобланган. Устюрт қўйлари асосан тоғнинг чўлли жойларида яшайди. Қоплонқирада қўйлар жарликларда асосан баландлиги 100м бўлган жойда яшайди.

Улар кўпроқ майса билан қопланган тошлоқли ёки қирра жарликларда ўтлайди. Чунки бу жойларда бўрилар ва одамлар учрамайди. Қўйлар тундан то тонгача ўтлаб, иссиқ бошланган вақтда дам олиб ётишади. Кучли шамол ёки ёмғир ва қордан инкурларда жон сақлайдилар. Қўйларнинг вояга етиш ёши 3 йил. Улар асосан 1 та гохида 2 та бола туғади. Қўзилар туғилганидан сўнг оналарининг ортидан эргашиб юришади. Улар 1 ёшгача оналари билан бирга бўлади.

Муфлон (Ovis musimon)

Муфлон (Ovis musimon ёки Ovis ammon musimon) айри туёқли қўйлар зотидан. Шунингдек Архал ҳам мавжуд, улардан уй қўйлари тарқалган.

Ташқи кўриниши. Ўртача муфлонлар 130см узунликка етади. Бўйи 90см, вазни 50кг эркагиники, урғочисини вазни 35кг.

Яшаш тарзи. Муфлонларнинг яшаш жойи тоғли яйловлар. Урғочи ва қўзилар биргаликда 100 нафар подани ташкил қилади. Эркак Муфлонлар ўзлари ёлғиз яшайди, фақат уларга кўпайиш мавсумидагина келиб қўшилади.

Кўпайиши. Ҳозирги вақтда муфлонлар Арманистонда ва шимолий Ироқда ва Шимолий Ғарбий Эронда кўпайишган. Илгари Арманистон тоғларида; Қрим ва Балконда кўп учрар эди. Юқорида айтиб ўтилган худудлардан муфлонлар тахминан 3000 йил олдин йўқолиб кетган, яна Кпирда, Корсик ва Сардинада бор.

Муфлонларни овлаш аввалдан мавжуд. 10000 йиллар илгари одамлар муфлонларни қўлга ўргатишни бошлаган, оқибатда уй қўйи пайдо бўлган. Биринчи бўлиб уларни қўлга ўргатиб уй қўйини хосил бўлишида Арманистон хисобланади. Ғарбий Европада уй қўйлари 8000 йил аввал пайдо бўлган.



Муфлон (Ovis Montanus)

Тоғ эчкиси (Сагга rall)

Бу эчкилар Туркистон ва Чотқол тизмаларида учрайди. Эркагида орқасига қайрилган катта-катта қиличсимон шохлари бўлади (135см гача боради). Эркагининг массаси 120 кг гача боради, урғочилари сал кичикроқ бўлади. Уларнинг шохи ҳам учи сал қайрилган бўлиб, калтарокдир. Ёзги жуни қўнғирнамо-жигар ранг, икки ён томони сал оқишроқ. Баъзиларнинг қорни оқиш бўлади. Ранги ёши улғайган сайин ўзгариб боради ва қари эркакларида тўқ қўнғир бўлиб қолади. Орқасида билинар-билинемас қора йўли бор.

Тоғ эчкиси тик қоя тошлар ва ўпирилмалар кўп бўладиган жуда паст-баланд жойларда юради. Кўпинча альп минтақасида яшайди. Қиш ойларида бу эчкилар тоғларнинг бир қадар пастки қимсларига кўчиб, ёки шамол қорни учириб кетадиган жойларга тушиб келади.

Эрталабки ва кечки соатларда ўтлайди. Тунда бориш қийин бўлган даралардаги қоялар орасида дам олиб ётади. Эрта саҳарда бу ҳайвонлар ўтлоққа бориб, соат 10-11 гача ўтлайди, кейин сувлагани боради. Катта-катта тошлар соясида ёки қоялар тагида дам олиб, тунайдиган жойларига томон аста-секин юриб келади. Ёзда улар қўнғирбош ва бошқа ўтлар билан озиқланади, қишда арча игнабарглари ва бута шохларини ғажийди.

Вояга етган эркаклари ноябр ойининг ўрталарида олишиб бир нечта (баъзан 10-15 та) урғочисини ўзига олиб олади ва бошқа эркакларини уларнинг яқинига йўлатмайди. Урғочилари апрель-майда болалайди (одатда иккита, гоҳо битта ёки учта бола туғади). Болалари икки ёшли бўлганидан кейин вояга етади.

Тоғ эчкиси қимматли ов объектидир. Баъзи жойларда у бирмунча учраб туради, одам бориши қийин бўлган қояларда яшайди, шу сабабдан эркакларини спорт йўли билан овлашга рухсат этилган.




Сибирь тоғ эчкиси (*Capra sibirica* pall)

Бурама шохли эчки (*Capra falconeri wag*)

Кўхитангтоғ билан Боботоғда буралиб-буралиб кетган катта шохлари ва узун соқоли бўладиган бурама шохли эчки яшайди. Жуда кам қолган бу эчки Тожикистондаги Дарвоз тизмасида ҳам учрайди. Кўхитангтоғда қоя тошлар кўп бўладиган арчазорлар минтақасида (1500-2500м баландликда) юради. Боботоғда у 1200-2000 м баландликдаги қоятошлар орасида ва қалин ўсган пистазор билан қопланган тик ёнбағирларда учрайди.

Танасининг узунлиги 150-170 см, бўйининг баландлиги 100-115 см, вазни 110 кг. Танаси биқир, оёқлари калта бақувват, қулоқлари учли. Юнининг ранги ёзда қизғич, қишда кул ранг, қорнининг ранги оқ. Соқоли ташқи томонидан қора ич тарафи оқ, думи қора ва калта. Оёқларида қорадоғ, Шохлари буралган спиралсимон. Эркак эчкиларнинг шохи 110-115 см га етади, урғочисиники калта ва ингичка 20-25 см бўлади. Шохларидаги халқалар эркагининг ёшини аниқлашда ёрдам беради. К.К.Флеров Зоология институтининг коллекциясини АН СССР 22 та идоранинг бош суяқларини ўрганиб чиқиб уларни географик тузилишини хар-хиллигини тўғри шохлилардан тортиб спиралсимон шохларгача аниқлади. Эркакларнинг спиралсимон шохлари қалин ва гоҳида ерга тегиб турувчи соқоли билан ажралиб туради.

Ареал ғарбий Химолай, Афғонистон, СССР территориясида шимолий Ўзбекистон ва шимолий Тожикистонда яшайди. Ўзбекистонда сон жихатидан Кугитанга ва Боботоғда кўп. Ҳозирги вақтда 10км Танги девор жарлиги, Кугитан ва Хатак қишлоғигача бўлган ерларда учрайди. Зиралик, қуюқдара, Зарвуз, Олти-қулик, Бидак, Узулма, Орол, Каттатоғ, Қульбатта у ва Хамкан тоғлари, кейинги чегараси Мачайдарё ва Қизил Наур қишлоғигача бўлган ерларда учрайди. Боботоғда эчкилар Қашқабулоқ ва Катта ва Кичик Турангада учрайди ва яна Биесимос, Қора Юмалоқ ва итбулоқда. Ўзбекистонда уларнинг аниқ сон жихати маълум эмас, тахминан 300-400 бош бор.



Бурама шохли эчки (*Capra falconeri wag*)

Яшаш жойлари Тоғли худудларда ва паст бўйли арчалар ўсадиган ерда яшайди. Жарли жойларда эчкилар душманлардан сақланиб ва озиқ-овқат топади. Жазирама иссиқ ёз вақтларда эчкилар Альп тоғларигача кўтарилишади. Ёзда тонгдан то иссиқ бошлагунича ўтлайди, сўнг улар тоғ салқини ёки арча салқинларида дам олади. Қуёш ботиши билан сув хавзасига бориб сўнг тонггача ўтланади.

Йилнинг иссиқ пайтларида бу эчкилар тунда ўтлайди, кундузи эса дарахтлар тагида ёки қоя тошларнинг соясида ётади. Қишда кундуз куни ўтлаб юради. Кечаси қояларнинг шамол тегмайдиган ва иссиқроқ бўладиган чуқур камгакларига кириб олади. Бурама шохли эчкилар ёзда ўт-ўланлар ва буталарнинг барглари билан билан озиқланса, қишда қор тегидан шувокни топиб ейди ва ёш арча дарахтларининг игна баргларини ғажийди.

Ноябрь-декабрда ҳар бир эркаги иккита-учта урғочиси билан бирга юради. Сўнгра подалар бирлашиб олади. Ғолиб чиққани урғочи эчкилар подасини эгаллаб олади ва ёш эркакларни унга яқин йўлатмайди. Ёш ва заиф эркак эчкилар одатда подага яқинлаша олмай, унинг кетидан эргашиб боради. Мана шу пайтда эркаклари жуда кам овқат ейди. Апрель охири-майда болалайди. Туғиш олдидан урғочиси подадан ажралиб, бориш қийин бўлган қоя тошларга бекиниб олади. Қарилари одатда иккитадан, ёшлари биттадан бола туғади. Эчки болалари туғилган кунининг эртасига юриб кетаверади ва онасидан қолишмайди. Тўрт ойгача улар нукул сут билан озиқланиб боради. Сўнгра яна икки ой сут эмиб юради ва ўт-ўланларнинг нозик қисмларини ҳам танлаб узиб олиб ейди. Эчки болалари онаси билан жуда узоқ бирга қолади. Улар кейинги насл туғилганидан кейин ҳам онаси билан бирга юраверади. Бурама шохли эчкилар уч ёшида жинсий жихатдан вояга етади.

Бурама шохли эчкилар овланадиган қимматли ҳайвонлар туридир. Гўштининг мазаси аъло даражада. Уни овлаш тақиқланган, революциядан илгари жуда кириб юборилган. Бу ҳайвон Қизил китобга киритилган ва ҳимоя остига олинган.

Жайрон (*Gazell subgutturosa* Guld)

Йўқолиб боровчилар қаторига киради, Қизил китоблардан жой олган. Ўзбекистоннинг қум саҳролари ва гил тупроқли тоғолди жойларининг ҳаммасида кўркам ва тез югурадиган жайрон подалари юрар эди. Бундан ўттиз йил илгари Тошкент яқинидаги Дальварзин даштида учраб турар ва Сурхондарё водийсида кўп бўларди. Ҳозирги вақтда жайрон Республикамизнинг энг пастқам жойларидагина сақланиб қолган. Танасининг узунлиги 110-116 см яқинидан ўлчанганда баландлиги 75 см, думининг узунлиги 20-25 см. Массаси 25-35 кг. Эркакларининг қора рангли лирасимон шохлари 45см, шохларида ҳалқасимон кенгаймалар бўлади, урғочиларнинг шохи 5 см бўлади.

Ёзда терисининг ранги қумоқ-қизғиш, бўйни ва қорин қисми оқ. Қишда эса оқишроқ тусга киради. Оёқлари, бўйни, шохлари ингичка ва узун бўлади. Хавф сезган жайрон думларини кўтарганча сакраб-сакраб қочади. Туёқлари кичкина, юраксимон, узунлиги 6 см ва эни 4 см, ётоқ жойлари очиқ ерларда ёки ёлғиз дарахт ёнида бўлади. Сув хавзасига борувчи йўлакчаси 200 м гохида 400-500 м га етади.

Қизилқумда жайрон шувоқ ўсадиган жойларда юради. Ахён-ахён қумларда яшайди. Зарфшоннинг қуйи оқимларида саксауул буталари ўсиб, мустахкамлаб қўйилган қумларда юради. Республикамизнинг жанубида шўрхок ерларида, Боботоғ яқинидаги гил тупроқли сахрода учрайди. Асосан, кундузи ўтлаб юради, кечаси дам олади. Жазирама ёз кунлари эрталабки ва кечки соатларда, баъзан эса тунда ҳам актив бўлади. Кундузи қум тепаларининг орқасида ёки буталарнинг соясида ётади. Одатда тўп-тўп бўлиб, ёзда 4-7 таси, қишда эса 15-20 таси бир бўлиб юради, ахён-ахёнда жуфт-жуфт бўлиб ёки алоҳида-алоҳида бўлиб яшайди. Сувлаш жойларида ва кўчиш пайтларида 20-30 та ва ундан ҳам кўпроқ тўп бўлиб олган подалари учрайди.



Жайрон (*Gazell subgutturosa guld*)

Баҳорда ғалла ўсимликлари ва эфимерлар билан озикланади, кўк ўтлар қуриб кетадиган ёз кезлари шўралар ва шувоқ билан овқатланади. Қишда сахро буталарнинг меваларини ва шоҳларини ғажийди. Ўзбекистонда уларнинг кўпайиши ва сон жихати ўтган асрда жайронлар Хива ва Бухорода жуда кўп эди. 50-йилларнинг XX асрда улар республикамизда жуда кўп эди. Охириги пайтларда сони кескин камайиб бормоқда. 1976-1977 йиллар Шимолий Устюртда уч бош ва Борса-келмасда 10-12 та учраган. 1976-йил Хоразм областида 30 та 1977-1978 йил Орол денгизи, Бельтау Қозоғистон чегараларида 5-10 та учраган.

Ноябр ойларида улар бир уч-та урғочи жайронлар билан ажралади. Ёз пайтларида жайронларнинг яйловлари бир неча минг км² га етади. Совуқ пайтда бир неча юз км етади. Май ойидан сентябрь ойигача улар 4 соатдан тортиб 9-10 соатгача ўтлаб сув ҳавзаси томон боришади. Улар умрининг кўп қисмини ётиш билан ўтказади. Апрель-майда болалайди (одатда 2 та, гоҳо 1-3 та, жуда камдан-кам ҳолларда 4 та бола туғади). Жайрон болалари кўзи очиқ, ривожланган, лекин жуда заиф бўлиб туғилади. 3-4 кундан кейин болалари онасига эргашиб, анча олис масофаларга бора олади. Онаси болаларини кунига 1-2 маҳал эмизиб туради. Жайрон гўшти жуда ширин. Бу жайрон камайиб кетмаслиги учун уни овлаш тақиқланган ва у СССР ва Ўзбекистан қизил китобларига киритилган.

Сайғоқ (*Saiga tatarica* L)

Одам томонидан ваҳшиёна қириб ташланган сайғоқ XX аср бошларида деярли батамом йўқалиб кетган эди. Табиатда бир нечта ўн боши қолган эди. Биринчи марта 1944 йили Устюртга борганимда плотада шу дўнгбурун кийик борлигини ҳеч кимдан эшитганим йўқ. 1956 йил май ойида Устюртдаги Чурукқудуғи районида бу ҳайвонларнинг кўпсонли подалари ёки болалари билан бирга юрган айрим урғочилари бизга дам-бадам дуч келиб турди. 1976 йил май ойида Устюртдаги Комсомольскдан ўн километрча нарида мен аянчли бир манзарани кўрдим: ҳар 100-200 м жойда баҳор кези келган ҳутдан ўлиб қолган кийик мурдалари ётар, уларнинг устида ўлимтикхўр қўнғизлар уймаланишиб юрар эди.

Ҳимоя чоралари кўрилганлиги натижасида Ўзбекистонда сайғоқнинг туёқ боши тикланди ва уларнинг сони 3 млн бошга яқинлашиб қолди.

Сайғоқ жайронга сал ўхшайди-ю, лекин бирмунча бўйдорроқ, тана тузилиши бир қадар миқтироқ бўлади, оёқлари калта, боши катта, ҳамиша пастга солинтириб юради, калта хартумга сал-пал ўхшаб кетадиган, дўнг бўлиб чиққан бурни бор. Эркакларининг массаси 50 кг гача боради, урғочилари кичикроқ бўлади. Бизда у Устюртда ва

Қизилқумнинг шимолий томонида ўзига бошпана топади, чунки Ўзбекистонда сайғокни овлаш тақиқланган. Декабрда жуфтлашади, майда эса одатда 2 та, гоҳо 1 та бола туғади. Туғиш вақтида урғочиси ўт-ўландан тамомила холи бўлган тақир жойни танлайди. Мана шу жойда бу ҳайвонларни ҳимоя ранги туфайли бир неча метр жойдан туриб ажратиб олиш қийин бўлади. Янги туғилган болалари икки қадамча нарида олдимдан дик этиб туриб кетган пайтлар ҳам бўлганки, мен тўсатдан чўчиб ҳам тушганман. Яна бир-икки қадам ташласам борми, уларни босиб олишим мумкин экан.

Ёш болалари ўзига келиб олиши билан сайғоклар шимол ва шарққа томон кўчиб, республикамиз доираларидан четга чиқиб кета бошлайди ва келаси кузда яна шу ерларга қайтиб келади.

Сайғок донли ўсимликлар, шўраклар, шувок ейди. Баҳор кезлари умри қисқа ўсимликларни хуш кўриб эса, қишда шўрак билан озиқланади. Сайғок пода бўлиб юрадиган ҳайвон ва аҳён-аҳёнда ёлғиз учрайди. Подалари катта-кичик: бир неча бошдан то минг бошгача ва бундан ҳам кўпроқ бўлади. Лекин, 30-40 бош кийикдан иборат подалари кўпроқ учрайди. Кузда эркаклари қаттиқ олишувлардан кейин 5-10 та урғочисини, энг зўрлари эса ҳатто 40-50 та урғочисини ўз ҳасмига олади. Олишувлар натижасида анча заифроқ эркаклари ўлиб кетади. Эркакларининг бир қисми жуфтлашиш даврида мадордан кетади ва овқат етишмай қолса, жуфтлашувдан кейин булар ҳам ўлиб кетади.



Сайғоқ (Saiga Tatarica L.)

ХУЛОСА

1. Фарғона водийсида учрайдиган қавш қайтарувчи сут эмизувчиларга:
 7. Тоғ қўйи- *Ovis ammon* L.
 8. Архар ёки Бухоро қўйи-*Ovis orientalis bocharensis* Nasonov.
 9. Устюрт қўйи ёки Архал- *Ovis ammon* Karelina Severtzev.
 10. Муфлон-*Ovis musimon* ёки *Ovis ammon* Musimon .
 11. Тоғ эчкиси ёки Такаси-*Capra sibirica* Pall.
 12. Бурама шохли эчки, Морхўр-*Capra falconeri* Wag.
 13. Жайрон ёки оху-*Gazell subgutturosa* Guld.
 14. Бухоро буғуси-хонгул - *Cervus elaphus* L.
 15. Ёввойи эчки емис - *Capreolus capreolus* L.
 16. Сайғоқ - *Saiga tatarica* L киради.
2. Уларнинг барчаси Ўзбекистон “Қизил китоби”га киритилган бўлиб, ҳозирги пайтда чора-тадбирлари ишлаб чиқилган, овлаш қатъиян ман этилган.
3. Бухоро буғуси (хонгул), жайрон (оху ёки ғизол), Бухоро қўйи (архар) Бодайтўқай, Бухоро, Қизилқум қўриқхоналарида кўпайтирилмайди.
4. Ўзбекистоннинг тоғ минтақасини ёввойи эчки, така, морхўр, оху, архарлар эгаллаган бўлса, сайғоқлар тарик тупроқли текисликларни муфлонлар эса, тоғ олди даштли зоналарни эгаллаган.
5. Кўпайиб бораётган ва ноёб ҳайвонларни сақлаб, келгуси авлодларга етказиш учун уларнинг яшаш шароитини яхшилашга онгли ёндашиб, кўпайишига имкон яратиб беришимиз зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Богданов О.П. Ўзбекистон ҳайвонлари. Тошкент, “Ўқитувчи” нашриёти, 1983
2. Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А., Ўрта Осиё табиий географияси, Тошкент, “Ўқитувчи”, нашриёти, 2002
3. Бобринский Н. А. Животный мир и природа СССР, М., 1960

4. Бобринский Н. А., Кузнецов Б. А., Кузякин А. П. Определитель млекопитающих СССР. М., «Просвещение», 1965
5. Аюпов А.Н., Атаходжаев А.А., Абдуназаров Х.А. Тоғ дарёларида учрайдиган умурткали хайвонлар ва уларнинг экологияси (Оқсоқ-ота мисолида). Академик Т.З. Захидов таваллуди 100 йиллигига бағишланган “Биологик хилма-хилликни сақлаш муаммолари” илмий амалий конференция маърузалар тўплами, Тошкент, 2006
6. Гептнер В. Г. и др. Млекопитающие Советского Союза, 1-2, М., 1961 – 1967
7. Жизнь животных, в 1,2 т. М., «Просвещение», 1969-1971
8. Захидов Т. З., Мекленбурцев Р. Н. Природа и животный мир Средней Азии, Ташкент, т. I, 1969
9. Захидов Т. З., Мекленбурцев Р. Н., Богданов О. П. Природа и животный мир Средней Азии. Ташкент, т. 2, 1971
10. Позвоночные животные Средней Азии, Ташкент, 1966
11. Позвоночные животные Ферганской долины. Ташкент, 1974
12. Позвоночные животные юга Узбекистана. Ташкент, 1974
13. Султанов Г. Охотничьи и промысловые звери и птицы Ширабадского района. Труды Узбек зоол. Сада, т. 1, Ташкент, 1979
14. Экология и биология животных Узбекистана. Ташкент, 1975
15. Экология позвоночных животных Каршинской степи. Ташкент, 1967
16. Экология позвоночных животных хребта Нуратау. Ташкент, 1970